

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**АВЛИЯКУЛОВ МИРЗОЛИМ АВАЗОВИЧ**

**СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДАН ЙИЛ ДАВОМИДА САМАРАЛИ  
Фойдаланишнинг Илмий асослари**

**06.01.02 – Мелиорация ва суғорма дехқончилик**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc)  
диссертацияси автореферати**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)**

**Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)**

**Авлиякулов Мирзоолим Авазович**

Суғориладиган ерлардан йил давомида самарали фойдаланишнинг илмий асослари..... 3

**Авлиякулов Мирзоолим Авазович**

Научные основы эффективного круглогодичного использования орошаемых земель ..... 29

**Avliyakov Mirzoolim Avazovich**

Scientific substantiation of effective year-round use of irrigated lands..... 57

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 61

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**АВЛИЯКУЛОВ МИРЗОЛИМ АВАЗОВИЧ**

**СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДАН ЙИЛ ДАВОМИДА САМАРАЛИ  
Фойдаланишнинг Илмий Асослари**

**06.01.02 – Мелиорация ва суғорма дехқончилик**

**Қишлоқ Хўжалиги Фанлари Доктори (DSc)  
Диссертацияси Автореферати**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.DSc/Qx103 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида (ПСУЕАИТИ) бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси [www.cottonagro.uz](http://www.cottonagro.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Мирзажонов Қирғизали Мирзажонович**

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор,  
академик

**Расмий оппонентлар:**

**Исаев Сабиржан Хусанбаевич**

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий  
ходим

**Икрамов Рахим Каримович**

техника фанлари доктори, профессор

**Арамов Музаффар Хошимович**

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат аграр университетининг  
Андижон филиали**

Диссертация химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли илмий кенгашнинг «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 йил соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: piim@qsv.uz

Докторлик диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Ш.Нурматов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, к.х.ф.д., профессор

**Ф.М.Ҳасанова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, к.х.ф.н., катта илмий  
ходим

**Ж.Ҳ.Ахмедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,  
профессор

## КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёда умумий суғориладиган ерлар 480 млн. гектар бўлиб, доимий экин билан банд бўлган, йил давомида фойдаланиладиган суғориладиган ерлар 41 млн. гектарни ташкил этади. Умумий суғориладиган экин майдонлари улуши Хитойда 31,5 фоиз, Ҳиндистонда 27,5 фоиз, АҚШда 5 фоиз, Россияда 3,5 фоиз ва Покистонда 3,3 фоиздан иборат. Шунингдек, Аргентина, Австралия, Бангладеш, Қозоғистон, Мянмар, Таиланд, Туркия, Ўзбекистон ва Ветнам каби давлатлар умумий суғориладиган ерларнинг 1-2 фоизига эга давлатлар ҳисобланади. Дунёнинг 40 та мамлакати умумий суғориладиган ерларнинг 96 фоизини ташкил этади. Бунда ер усти сувлари орқали 61 фоиз экин майдонлари суғорилса, қолган 39 фоиз ерлар ер ости сувлари билан суғорилади<sup>1</sup>.

Дунёда суғориладиган ерлардан жадал фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмини кўпайтириш орқали аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, сув ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқариш саъй-ҳаракатлари амалга оширилмоқда. Ердан самарали фойдаланишда тупроқ-иклим шароитларига мос экин турларини тўғри танлаш, тупроқ унумдорлигини тиклаш, сақлаш ва мунтазам ошириш, экинлардан юқори ҳосил етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш қишлоқ хўжалигидаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, хусусан аҳолининг озиқ-овқат ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда саноатни хом-ашёга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш бўйича кенг кўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда йил давомида қуёшли кунлар 250, 270, 300 кунни ташкил этиб, бунда 50 дан ортиқ экин турларини ёз, куз, кеч куз, қиш, эрта баҳор ойларида парваришлаб, бир даладан йилига 2-3, ҳаттоки 4 маротабагача юқори ҳосил етиштириш имкони мавжуд. Бунда экинларнинг сувга бўлган талабини барг ҳужайра шираси концентрацияси орқали башоратлаш, илдиз тизими тарқалган тупроқ қатламида туз-сув-озиқ тартибини мақбуллаштириш, тупроқни эгат бўйлаб бир текисда намланишини таъминловчи суғориш тартибларини ишлаб чиқиш, суғориш сувларидан оқилона фойдаланиш, бу ер ва сув ресурслари доирасидаги долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси III-бобида қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан оқилона ва тежамли фойдаланиш ва шу асосда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш барқарорлигига эришиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари белгилаб берилган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Thenkabail, P. S., Biradar, C. M., Turrall, H., Noojipady, P., Li, Y. J., Vithanage, J., Dheeravath, V., Velpuri, M., Schull, M., Cai, X. L., Dutta, R. An Irrigated Area Map of the World Derived from Remote Sensing. IWMI research report 105. p. 1-26.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199-сон «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги ПФ-5303-сон «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиш доирасида бажарилган.

#### **Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.**

Суғориладиган ерлардан йил давомида самарали фойдаланиш ва экинлардан юқори ҳосил етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш бўйича изланишлар дунёнинг етакчи мамлакатлари олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида, жумладан United States Department of Agriculture (USDA)<sup>1</sup>, Food and Agriculture Organization of the United Nations (FAO), Colorado State University, University of Florida, Ohio State University (АҚШ), Australian Cotton Research Institute (Австралия), University of Bonn (Германия), Institute of Cotton Research (ICR, CAAS), Chinese Academy of Agricultural Sciences (Хитой), Indian Agricultural University, Panjab Agricultural University (Ҳиндистон), Tokyo University of Agriculture (TUA) (Япония), International Plant Research Center Wageningen (Голландия), Agro-Technical Research Institute Wageningen (Голландия), Indian Institute of Maize Research (IIMR) (Ҳиндистон), World Vegetable Center (AVRDC) (Тайван), International Water Management Institute (IWMI) (Шриланка), International Center for Agricultural Research in Dry Areas (ICARDA) (Ливан), Тимирязев номидаги Москва қишлоқ хўжалиги академияси, Россия давлат аграр университети (Россия), Белоруссия картошкачилик, сабзавотчилик ва мевачилик илмий-тадқиқот институти (Белорусия), Қозоғистон сув хўжалиги институти (Қозоғистон), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Суғориладиган ерлардан йил давомида фойдаланиш ва экинлардан юқори ҳосил етиштириш агротехнологияси йўналишида олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий-амалий натижалар олинган,

---

<sup>1</sup><http://www.usda.gov/>; <http://www.fao.org/home/en/>; <http://www.csuglobal.edu/>; <http://www.dpi.nsw.gov.au/>; <http://www.uni-bonn.de/the-university/>; <http://www.caas.cn/en/>; <http://www.iari.res.in/>; <http://www.nodia.ac.jp/>; <http://www.wageningenur.nl/en/wageningen-university.htm>; <http://www.iimr.res.in/>; <http://www.avrdc.org/>; <http://www.iwmi.cgiar.org/>; <http://www.icarda.org/>; <http://www.timacad.ru/>; [http://www.vir.nw.ru/index\\_r.htm](http://www.vir.nw.ru/index_r.htm); <http://www.kaziwr.isd.kz/page.php>

жумладан, бир йилда икки марта ҳосил (double cropping) етиштириш агротехнологияси ишлаб чиқилган (United States Department of Agriculture, Food and Agriculture Organization, Colorado State University, University of Florida, Ohio State University, University of Bonn, Россия давлат аграр университети); ўрта-ингичка толали ғўза навларини парваришlash агротехнологияси ишлаб чиқилган (Australian Cotton Research Institute, Institute of Cotton Research, Chinese Academy of Agricultural Sciences); парваришланган экинлар сув истеъмоли, ер ости сувлари сатҳи, минерализацияси ўзгаришлари аниқланган (International Water Management Institute, Қозоғистон сув хўжалиги институти); маккажўхори навларини ҳам асосий, ҳам такрорий экин сифатида парваришlash агротехнологияси ишлаб чиқилган (Indian Institute of Maize Research); сабзавот экинлари парвариши агротадбирлари тизими илмий асосда ишлаб чиқилган (World Vegetable Center, International Center for Agricultural Research in Dry Areas, Белоруссия картошкачилик, сабзавотчилик ва мевачилик илмий-тадқиқот институти).

Бугунги кунда жаҳонда озик-овқат хавфсизлигини таъминlashда суғориладиган ерлардан жадал фойдаланиб, йилига 2-3, ҳаттоки 4 маротабагача юқори мўл ҳосил етиштириш агротехнологияси бўйича қуйидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда: жумладан суғориладиган ерлардан йил давомида самарали фойдаланишда экин турларини тўғри танлаш; тупроқнинг агрокимёвий ва агрофизик хоссаларини аниқлаш; экинларни кетма-кетликда илмий асосда парваришlashда ҳар бир экиннинг мақбул сув-озика меъёрларини ишлаб чиқиш; сизот сувлари сатҳи жойлашуви, унинг минерализацияси, мавсумий туз жамланиш коэффициенти ва тупроқ шўрланишини масофавий зондлаш ва географик ахборот тизими орқали хариталаш, суғориш муддатларини тезкор усулда аниқлаш; бир центнер ҳосил етиштиришда сувдан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш, шунингдек суғориш ва озиклантириш тартибларининг қишлоқ хўжалиги экинларининг ўсиши ва ривожланишига таъсирини аниқлаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Суғориладиган ерларда бир даладан икки ҳосил етиштириш, экинларни мақбул суғориш тартиблари ва сидерат экинлар ҳамда қисқа навбатлаб экиш тизимини қўллаш орқали тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича республикамизда С.Н.Рыжов, Н.Ф.Беспалов, Қ.М.Мирзажонов, А.Э.Авлиёқулов, М.Хамидов, Б.С.Мамбетназаров, Р.Орипов, Ш.Нурматов, Н.М.Ибрагимов, И.В.Массино, Б.М.Халиков, Н.Халилов, Р.И.Сиддиқов, Р.Ф.Мавлянова, М.Х.Арамов, А.Х.Ҳамзаев, Р.А.Ҳакимов ва хорижда М.Caswell, Р.Cooper, S.Evett, Ram Sharma, Von Zabeltitz, John PA Lamers, S.Irmak каби олимлар томонидан кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилган.

Аммо суғориладиган ерлардан йил давомида самарали фойдаланишда экин турларини тўғри танлаш, бир даладан йилига 2-3 маротабагача ҳосил етиштиришда ёз, куз, кеч куз, қиш ва эрта баҳор ойларида экинларни илмий асосланган ҳолда кетма-кетликда парваришlash агротехнологиясини ишлаб чиқиш бўйича етарлича илмий-тадқиқотлар олиб борилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-7-093 «Мамлакатнинг турли тупроқ-иқлим, мелиоратив, гидрогеологик шароитларида янги истиқболли ва районлаштирилган ўрта, ингичка толали ғўза навларини парваришlash агротадбирлари тизимини илмий асосlash ва амалиётга жорий этиш» (2009-2011 йй.); ҚХА-9-012 «Янги тизимдаги мелиоратив минтақа гидромодул худудлар бўйича районлаштирилган, истиқболли, янги ўрта, ингичка толали ғўза навларини кўчат қалинлиги, сув-ўғит меъёр-нисбатлари, суғориш тартибларини илмий асосlash ва амалиётга жорий этиш» (2012-2014 йй.); ҚХА-9-077-2015 «Мамлакатимизда қурғоқчиликка, турли даражада (кам, ўртача) шўрланган ерларида янги истиқболли I, II, III, IV, V типларга мансуб ўрта-узун толали ғўза навлари бирламчи супер элита, элита, R<sub>1</sub> уруғчилиги-парвариши агротадбирлари тизимини илмий асосlash ва амалиётга жорий этиш» мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** жанубий минтақа ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон ва марказий минтақа суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида ердан йил давомида самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги экинларидан йилига 2-3 мартагача ҳосил етиштиришнинг мақбул агротехнология элементларини ишлаб чиқиш ҳамда тупроқ шўрланишини масофавий зондlash ва географик ахборот тизими (ГАТ) орқали хариталашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлардан йил давомида фойдаланишнинг сизоб сувлари сатҳи жойлашуви, унинг минерализацияси, экинларни суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда тупроқда мавсумий туз тўпланиш коэффициенти динамикасига таъсирини ўрганиш;

қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда суғоришлар сони, тизими, давомийлиги, амал давридаги бир марталик ҳамда мавсумий суғориш меъёрларини аниқlash;

суғориладиган типик бўз тупроқларда парваришланадиган экинларнинг сувга бўлган талабини барг хужайра шираси концентрацияси орқали башоратlash;

қишлоқ хўжалиги экинлари навлари бўйича бир центнер ҳосил етиштириш учун сарфланган сув сарфини аниқlash;

суғориш ва озиклантириш тартибларининг қишлоқ хўжалиги экинлари навларининг ўсиши-ривожланиши, ҳосил тўплаши ва ҳосилдорлиги ҳамда бир дона кўсақдаги пахта, 1000 дона дон, бир бош карам, пиёзбош, картошка ва помидор вазнига таъсирини аниқlash;

қишлоқ хўжалигида масофавий зондlash ва геоахборот тизимидан фойдаланган ҳолда гиперспектрал фазовий расмлар ёрдамида тупроқ шўрланишини кузги буғдойдаги танглик ҳолати орқали хариталаш;



ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон ва суғориладиган типик бўз тупроқлардан йил давомида фойдаланишнинг тупроқ агрокимёвий ва агрофизик хоссаларига ҳамда экинлар таркибидаги озика моддалар миқдори ўзгаришларига таъсирини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон ва ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқлар, ғўзанинг ўрта толали «Бухоро-102», «Бухоро-6», «Бухоро-8», «Султон», «Ан-Боёвут-2», «ЎзПТИ-103», «ЎзПТИ-201», ингичка толали «Термиз-49» навлари, кузги буғдойнинг «Чиллаки», кузги арпанинг «Болғали» навлари, маккажўхорининг «Нарт», «Ўзбекистон-306АМВ» навлари, оқбош карамнинг «Шарқия», «Ўзбекистон-133» навлари, пиёзнинг «Сумбула» ва «Зафар» навлари, картошканинг «Ақраб» нави, мошининг «Дурдона» нави, помидорнинг «ТМК-22» нави олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида суғориладиган ерлардан йил давомида фойдаланиш, тупроқнинг агрокимёвий, агрофизикавий хоссалари, сизоб сувлари сатҳи, минерализацияси, тупроқдаги мавсумий туз тўпланиш коэффициенти, экинларни суғориш ва озиклантириш тартиблари, барг ҳужайра шираси концентрацияси, ўсимликнинг ўсиши-ривожланиши ва ҳосилдорлиги бўлиб ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларни ўтказишда тупроқ таҳлиллари, ғўза экини бўйича кузатув, ўлчов ва таҳлиллар ПСУЕАИТИда қабул қилинган «Пахта майдонларида тупроқнинг агрофизикавий, агрокимёвий ва микробиологик хоссаларини ўрганиш услублари», «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», «Методы агрохимических и агрофизических исследований в поливных хлопковых районах полевых и вегетационных опытов с хлопчатником» услубий қўлланмалари, сабзавот экинлари бўйича В.Ф.Беликнинг «Методика физиологических исследований в овощеводстве и бахчеводстве», «Овощные, бахчевые культуры и картофель» услубий қўлланмалари, маккажўхори бўйича «Рекомендации по возделыванию кукурузы в условиях орошения Узбекистана», «Методические указания по проведению полевых опытов с кормовыми культурами» услубий қўлланмаларидан фойдаланилди. Олинган маълумотларнинг ишончлилиги умумқабул қилинган Б.А.Доспеховнинг кўп омилли услуби ҳамда SPSS, Statistica 7.0 компьютер дастурлари орқали математик-статистик таҳлил қилинди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор ўтлоқлашаётган тақирсимон ва суғориладиган типик бўз тупроқлардан йил давомида самарали фойдаланиб, йилига 2-3 маротаба ҳосил етиштиришнинг мақбул агротехнология элементлари ишлаб чиқилган;

ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлардан йил давомида фойдаланишнинг сизоб сувлари сатҳи, минерализацияси ва мавсумий туз тўпланиш коэффициенти таъсири аниқланган;

суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида экинларнинг суғориш муддатларини барг ҳужайра шираси концентрацияси орқали аниқлаш илмий асосланган;

масофавий зондлаш ва геоахборот тизимидан (ГАТ) фойдаланиб, тупроқ шўрланиши кузги буғдойга таъсири орқали хариталанган;

суғориш ва озиклантириш тартибларининг ўрганилган экинлар ўсиши-ривожланиши, ҳосил тўплаши ва ҳосилдорлиги ҳамда бир дона кўсакдаги пахта, 1000 дона дон, бир бош карам, пиёзбош, картошка ва помидор вазнига таъсири аниқланган;

ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон ва суғориладиган типик бўз тупроқларда ердан йил давомида фойдаланишнинг тупроқни агрокимёвий ва агрофизикавий хоссалари ўзгаришига таъсири аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси:** жанубий минтақа ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон ва марказий минтақа суғориладиган типик бўз тупроқларидан йил давомида илмий асосда самарали фойдаланиб, бир даладан йилига 2-3 мартагача юқори ҳосил етиштиришнинг мақбул агротехнология элементлари ишлаб чиқилган;

суғориладиган ерларни йил давомида бўш қолдирмасдан самарали фойдаланиб, экинларни илмий асосда кетма-кет парваришлаш натижасида ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқларда ЧДНС дастлабки кўрсаткичга нисбатан бутун ротация якунида 0,4-0,8 % га ошган, тупроқнинг ҳажм оғирлиги 0,02 г/см<sup>3</sup> камайган, сув ўтказувчанлик 0,010-0,042 мм/мин га ошган. Суғориладиган типик бўз тупроқларда эса ЧДНС бутун ротация якунида 0,6-0,9 % га ошган, тупроқнинг ҳажм оғирлиги 0,03-0,05 г/см<sup>3</sup> камайган, сув ўтказувчанлик 69-78 м<sup>3</sup>/га га ошганлиги кузатишган;

ўтлоқлашаётган тақирсимон тупроқлардан йил давомида фойдаланилганда сизоб сувлари минерализацияси ротация якунида 0,188-0,214 г/л гача камайиши, энг кам мавсумий туз жамланиш коэффициенти ЧДНСга нисбатан 70-75-65% суғориш олди тупроқ намлигида кузатилиб, қуруқ қолдиқ бўйича 1,05-1,18, хлор иони бўйича 1,13-1,17 гача ўзгариши, суғориш олди тупроқ намлиги оширилганда сувда эрувчи тузлар камайиши аниқланган;

суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида ғўза, кузги буғдой, картошка, мош ва помидор экинларининг суғориш муддатларини барг хужайра шираси концентрацияси орқали башоратлаш шкалалари ишлаб чиқилган;

ўтлоқлашаётган тақирсимон тупроқлар шароитида энг юқори пахта ҳосили ЧДНСга нисбатан 70-75-65% суғориш олди тупроқ намлигида, маъдан ўғитлар (НРК с.х.) 220:132:88 кг/га қўлланилганда кузатилиб, «Бухоро-102» навида назоратга нисбатан 1,6 ц/га, «Термиз-49» навида 2,9 ц/га юқори бўлган. Энг юқори дон ҳосили ЧДНСга нисбатан 80-80-70% суғориш олди тупроқ намлигида, маъдан ўғит (НРК) 180:108:72 кг/га с.х. назоратга нисбатан «Чиллаки» навида 6,0 ц/га, «Болғали» навида 6,1 ц/га, маккажўхорида ЧДНСга нисбатан 75-75-60 % суғориш олди тупроқ намлигида, маъдан ўғит (НРК) 220:132:88 кг/га с.х. назоратга нисбатан «Нарт» навида 7,2-7,7 ц/га, «Ўзбекистон-306АМВ» навида 6,8-6,7 ц/га, карамнинг «Шарқия» навида ЧДНСга нисбатан 80-80-70 % суғориш олди тупроқ намлигида, маъдан ўғит (НРК) 200:120:80 кг/га с.х., назоратга нисбатан 8,7 т/га, «Ўзбекистон-133» навида 7,7 т/га, пиёзнинг «Сумбула», «Зафар» навларида энг юқори ҳосил ЧДНСга нисбатан 80-80-70% суғориш олди тупроқ намлигида, маъдан ўғит

(NPK) 200:140:60 кг/га с.х. назоратга нисбатан 11,4 т/га, 6,6 т/га юқори бўлганлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг математик-статистик ишловдан ўтказилганлиги, тадқиқот натижаларининг республика ва халқаро илмий-тадқиқот натижалари билан таққосланганлиги, олинган маълумотларнинг ҳисоботлар шаклида Илмий кенгаш муҳокамаларида ва апробация кўригида мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги ҳамда тадқиқот натижаларининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш шароитида фермер хўжаликларида кенг майдонда жорий этилганлиги, тадқиқот натижаларининг Республика ва халқаро илмий анжуманларида муҳокама қилинганлиги тадқиқот натижаларининг ишончлилигини асослайди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти суғориладиган ерлардан йил давомида ерни бўш қолдирмасдан, бир даладан йилига 2-3 мартаба ҳосил етиштириб, илмий асосда самарали фойдаланишнинг тупроқ агрофизикавий ва агрокимёвий хоссаларига, сизоб сувлари сатҳи, минерализацияси, мавсумий туз жамланиш коэффициентиغا, экинларнинг ўсиш-ривожланиши, ҳосилдорлигига таъсири аниқлангани ҳамда ғўза, кузги буғдой, картошка, мош ва помидор экинлари суғориш муддатларининг барг хужайра шираси концентрацияси орқали башоратлаш шкаллари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти жанубий минтақа ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон ва марказий минтақа суғориладиган типик бўз тупроқларидан йил давомида илмий асосда самарали фойдаланиб, бир даладан йилига 2-3 мартагача юқори ҳосил етиштиришнинг мақбул агротехнологиялари Сурхондарё ва Тошкент вилоятларидаги фермер хўжаликлари экин майдонларида қўлланиши натижасида тупроқ унумдорлиги сақланиши, экинларнинг ўсиш-ривожланиши яхшиланиб, юқори ва сифатли ҳосил олишга ва рентабелликнинг ошишига эришишдан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Суғориладиган ерлардан йил давомида самарали фойдаланиш ва экинлардан йилига 2-3 мартаба юқори ҳосил етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

деҳқон - фермер хўжаликлари ва сувдан фойдаланувчиларга қўлланма сифатида фойдаланиши учун «Мамлакатимиз суғориладиган ерларида янги тизимдаги мелиоратив минтақа ва гидромодул ҳудудлар бўйича асосий, такрорий, бошокли дондан сўнг анғизига экилган зироатларнинг сув истеъмоли ва суғориш тартибларини илмий асослаш бўйича услубий қўлланма» тавсияномаси ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 23 октябрдаги 02/020-1505-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома деҳқон - фермер хўжаликлари ва сувдан фойдаланувчилар учун қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

Сурхондарё вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлари шароитида суғориладиган ерлардан йил давомида самарали фойдаланишда Термиз, Ангор, Музработ, Қизирик, Шеробод, Қумқўрғон, Денов, Олтинсой ва Жарқўрғон туманлари фермер хўжаликларида «Бухоро-102» ўрта толали ғўза

нави 7,1 минг гектар, «Термиз-49» ингичка толали ғўза нави 557 гектар, кузги буғдойнинг «Чиллаки» нави 2,1 минг гектар, арпанинг «Болғали» нави эса 1,1 минг гектар майдонда мақбул парваришлаш агротехнологияси жорий этилган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 23 октябрдаги 02/020-1505-сон маълумотномаси). Ушбу агротехнология жорий этилиши эвазига ўсимликнинг жадал ўсиб ривожланиши, ҳосил тўплаши яхшиланиши, пахтадан гектарига 3-5 центнер, кузги буғдой ва арпадан 7-8 центнер қўшимча дон ҳосили олишга ҳамда рентабеллик даражасининг ошишига эришилган;

жанубий минтақа Сурхондарё вилояти ўтлоқлашаётган тақирсимон тупроқларида бир даладан йилига 2-3 мартагача ҳосил етиштириш бўйича ишлаб чиқилган агротехнологиялар бошоқли дон экинлари анғизида маккажўхори дон ва кўк масса учун 80 гектар, маккажўхоридан сўнг кечки оқбош карам ва пиёз навлари 40 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 23 октябрдаги 02/020-1505-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида суғориладиган ерлардан йил давомида самарали фойдаланиш ва бир даладан йилига 2-3 мартаба ҳосил етиштиришга эришилиб, тупроқ унумдорлиги сақланиши, экинлардан йилига 2-3 мартаба ҳосил етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги ўта юқори бўлиши, бошоқли дон экинлари анғизида парваришланган маккажўхоридан 4-5 центнер, оқбош карам ва пиёздан 6-7 т/га қўшимча ҳосил олишга эришилган;

суғориладиган ерлардан йил давомида самарали фойдаланиб, битта даладан йилига 2-3 мартаба ҳосил етиштириш агротехнологияси Тошкент вилояти Бўка туманида 128,0 гектар, Бекобод туманида 143,0 гектар, Пискент туманида 242,0 гектар, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти тажриба майдонларида 33,0 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 23 октябрдаги 02/020-1505-сон маълумотномаси). Натижада экинларнинг ўсиб ривожланиши яхшиланиб, ғўзанинг «Султон» навидан гектарига 4,0-4,9 центнер, кузги буғдойнинг «Чиллаки» навидан 7-8 центнер, кузги буғдой анғизига экилган мошнинг «Дурдона» навидан 2,3-2,6 центнер, помидорнинг «ТМК-22» навидан 4,7-5,4 центнер, картошканинг «Акраб» навидан 4,8-5,6 центнер қўшимча ҳосил етиштиришга ҳамда рентабеллик даражасининг 15-20 фоизга ошишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала, ишлаб чиқариш тажрибалари ҳар йили ЎзҚХИИЧМ ва ПСУЕАИТИнинг махсус апробация комиссияси томонидан кўриқдан ўтказилиб, ижобий баҳоланган. Илмий ҳисоботлар ҳар йили институтнинг Илмий кенгашларида муҳокама қилинган. Шунингдек, тадқиқот натижалари республика ва халқаро микёсдаги ўтказилган жами 7 та илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Докторлик диссертацияси мавзуси бўйича жами 42 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 9 та маҳаллий ва 1 та хорижий журналларда, 3 та тавсиянома, 4 та рисола ҳамда 1 та монография чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 саҳифадан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган илмий изланишларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқот усуллари, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги, апробацияда ижобий баҳолангани, нашр этилган ишлар ва диссертация ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Суғориладиган ерлардан йил давомида самарали фойдаланиш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқотлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан олиб борилган изланишлардан олинган натижалар, хулоса ва таклифлар баён этилган. Бунда экинларнинг суғориш муддатларини аниқлаш, сизоб сувлари сатҳи, минерализацияси ва тупроқ шўрланишининг ўсимлик ўсиши, ривожланиши ва ҳосил тўплашига таъсири ҳамда тупроқ шўрланишини мултиспектрал ва гиперспектрал фазовий расмлар орқали хариталаш бўйича тадқиқотлар шарҳи баён этилган. Ғўза, кузги буғдой, арпа, маккажўхори, оқбош қарам, пиёз, картошка, мош, помидор ва сидерат экинларини яққа ҳолда парваришлаш, қисқа ротацияли алмашлаб экиш тизимларининг тупроқ унумдорлиги, агрокимёвий, агрофизикавий хоссаларига таъсири тадқиқ қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлари келтирилган. Аммо ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон ва суғориладиган типик бўз тупроқлардан йил давомида ёз, куз, кеч куз, қиш, эрта баҳор ойларида ерни бўш қолдирмаган ҳолда йил давомида самарали фойдаланиш ва экинларнинг сувга бўлган талабини барг хужайра шираси концентрацияси орқали башоратлаш ҳамда қишлоқ хўжалигида масофавий зондлаш ва географик ахборот тизимидан фойдаланиб, тупроқ шўрланишини кузги буғдойдаги танглик ҳолати орқали хариталаш бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаганлиги, ушбу йўналишда илмий изланишларни давом эттириш зарурлигига хулоса қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказиш шароити ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган ҳудудларнинг табиий иқлими, тупроғи, мелиоратив, гидрогеологик шароитлари таърифи, тадқиқот услубиёти ва тажриба ўтказиш тизими, ўрганилган экинлар навлари тавсифи, суғориладиган ерлардан йил давомида самарали фойдаланишда ўтказилган агротадбирлар тизими бўйича маълумотлар келтирилган.

Докторлик диссертацияси бўйича тадқиқотларимиз 2007-2018 йилларда дастур асосида асосан 3 қисмга бўлинган ҳолда 3 та ҳудудда жанубий минтақа Сурхондарё вилояти ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон, марказий минтақа

суғориладиган типик бўз ва Ҳиндистоннинг Уттар Прадеш штати Mathura туманидаги хариталаш бўйича тадқиқотлар шулар жумласига киради.

Жанубий минтақада ўтлоқлашиб бораётган механик таркиби ўрта, оғир кумок, яримгидроморф тақирсимон тупроқларида ғўза, кузги буғдой, арпа, маккажўхори, оқбош карам, пиёз экинлари кетма-кетликда парваришланиб, йилига бир даладан 2-3 маротабагача ҳосил етиштириш бўйича тадқиқотлар 37<sup>0</sup>-39<sup>0</sup> Шимолий кенглик ва 68<sup>0</sup>-67<sup>0</sup> Шарқий узунлик чегарасида денгиз сатҳидан 300-4686 м баландликда ўтказилган. Вилоятдаги жами сув омборлари ҳажми, режадаги сувнинг таъминланишига қараб талабининг 27-31 фоизини ёки амал даврида олинадиган сув режаси умумий миқдорига нисбатан 25-27 фоизини ташкил этади. Сурхон-Шеробод воҳаси сахро-чўл минтақаси ҳудудларида дала ишларини ўтказиш учун қулай кунлар сони 305 кунга тенг. Бу минтақага хос, «афғон» шамоли 2-3 кун давомида катта тезликда узлуксиз эсади. Бундай ҳол йилига 35-37 кунга етади. Воҳада ўртача ҳароратлар бўйича йиллик кунлар сони қуйидагича +9 °С дан юқори 213 кун, +5 °С дан юқори 321 кун, +5 °С дан паст 44 кун, 0 °С дан паст кунлар кузатилмаган. Мисрда етти ойда (апрел-сентябр) қуёшли соатлар йиғиндиси 2024, Термизда эса 2100 га тенг. Асосий ёғингарчиликлар ноябрдан май ойигача давом этиши, июндан октябргача деярли ёғингарчилик кузатилмайди. Воҳадаги тақир, тақирсимон тупроқлар майдони 164,7 минг гектарни (8,6 %), шундан суғориладигани 54,6 минг га (28,4 %) ни ташкил этади.

Тошкент вилоятидаги тадқиқотларимиз Қибрай туманида жойлашган Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (ПСУЕАИТИ) Оққовоқ тажриба даласи 41°25'10.2''N Шимолий кенгликда, 69°29'10.9'' Шарқий узунликда ва денгиз сатҳидан 560 метр баландликда жойлашган, ер ости сувлари 18-20 м чуқурликда жойлашган суғориладиган типик бўз тупроқларида ўтказилган. Бунда ғўза, эртапишар кузги буғдой ва анғизда картошка, мош, помидор экинлари ҳамда улардан сўнг сидерат экин тритикаленинг парвариши бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Оққовоқ ҳудудининг иқлим кўрсаткичларидаги асосий фарқли жиҳатлардан бири баҳорда кучли ёмғирларнинг кўп бўлиши туфайли асосий юмушлардан бири бу чигит экиш ва уни ундириб олишдир. Тадқиқот ўтказилган 2015 йилда максимал ҳаво ҳарорати июл ойида 36,1 °С бўлиб, март ойида ёғингарчилик миқдори 91,4 мм ни, апрел ойида 65,5 мм, май ойида эса 85,5 мм ни, кейинги йилларда ҳам юқоридаги об-ҳаво шароити кузатилган.

Шўрланган тупроқларни кузги буғдойга таъсири орқали масофавий зондлаш ва геоахборот тизимидан фойдаланиб хариталаш бўйича тадқиқотларимиз 2013-2014 йилларда Ҳиндистоннинг Uttar Pradesh штати Indo-Gangetic текислиги Yamuna дарёси бўйида 26° 76' дан 27° 62' гача бўлган шимолий кенлик ва 77° 31' дан 77° 59' гача бўлган шарқий узунликда жойлашган Mathura тумани бир қисмида ўтказилган. Туманнинг қарийб 3,37 % ҳудуди ташландиқ, 26,46 % турли даражада шўрланган ерлардан иборат.

Ушбу туман иқлими арид минтақа ҳисобланиб, Сурхондарё вилояти иқлимига ўхшаб кетади ва ўзининг иссиқ ёзи (март-июн), совуқ ва туманли киши (декабр-феврал), жанубий-ғарбдан келувчи июлдан октябр, ноябр

ойларигача давом этадиган муссон ёмғир мавсумидан ташқари йил давомида кузатиладиган қурғокчилиги билан ажралиб туради. Ўртача йиллик ҳарорат 24,4 °С ни, максимал ҳарорат эса май ойида кузатилиб 45 °С ни, минимал ҳарорат 2 °С гача қишда пасайиб кетади. Йиллик ёғингарчилик 505-620 мм ни ва шундан 92 % муссон мавсумига тўғри келади. Mathura тумани тупроқлари Yamuna ва Ganga каналларининг аллювиал ётқиқиқларидан пайдо бўлган. АҚШ тупроқ классификацияси бўйича механик таркиби silt loam дан clay loam гача ўзгариб, яъни ўрта ва оғир қумоқ таркибли тупроқлардан иборат.

Дала тажрибаларида қуйидаги илмий-тадқиқотлар олиб борилган.

Тупроқ таркибидаги гумус И.В.Тюрин, азот ва фосфорнинг ҳаракатчан шакллари Гранвалд-Ляжу, В.П.Мачигин усулида, НРКнинг ялпи миқдорлари И.М.Мальцева, Л.П.Гриценко усулларида, нитратли азот – ионометрик асбобда, алмашинувчи калий П.В.Протасов усулида, тупроқнинг механик таркиби М.П.Братчевнинг гексаметафосфат натрий билан ишлов берилиб, пипетка усулида, тупроқ шўрланиши ва сизот сувлари минерализацияси сувли сўрим таҳлиллари орқали аниқланган. Тупроқнинг ҳажм оғирлиги цилиндрлар ёрдамида Качинский усулида, сув ўтказувчанлиги металл ҳалқалар билан Долгов усулида, чекланган дала нам сифими 3x3 м майдончаларни сувга тўлдириш усулида, суғориш олди тупроқ намлиги термостат-тарози усулида, барг хужайра шираси концентрацияси электрон қўл рефрактометр ёрдамида аниқланган. Экинларни суғоришда сув сарфи (брутто, нетто) «Чипполетти», эгатдаги сув сарфи «Томпсон» сув ўлчагичлари ёрдамида аниқланган.

Ўзанинг ўсиши ва ривожланиши бўйича фенологик кузатувлар июн, июл, август, сентябр ойларининг биринчи кунида ўтказилган. Кўчат қалинликлари амал даври боши ва йиғим-терим олдида аниқланган. Бир дона кўсақдаги пахта вазни, 1000 дона дон, мева вазнлари тарозида тортиш усулида, экинлар ҳосилдорлиги ҳар бир вариант, қайтариқлардан теримлар бўйича тарозида тортилиб, гектарига центнер ҳисобига айлантирилиб, маълумотларга Б.А.Доспехов усулида математик ишлов берилган.

Тупроқ шўрланишини хариталашда гиперспектрал фазовий расмлар ёрдамида ArcGIS 10.1, ERDAS IMAGINE 13, ENVI 4.4. standard 5.0 компютер дастурлари орқали Spectral Angle Mapper хариталаш усулидан фойдаланилган. Кўп сонли вариацион статистик таҳлил усуллари ҳисобланган Partial Least Square Regression (PLSR) ва Stepwise Multiple Linear Regression (SMLR) таҳлиллари Statistica 7.0 компютер дастуридан фойдаланиб аниқланган. Ўсимлик спектра кўрсаткичлари SVC Spectroradiometer, ўсимлик ер юзасини қоплаши AccuPAR (LP80), ўсимлик барги таркибидаги хлорофилл Chlorophyll content meter (CCM 200) асбоблари ёрдамида аниқланган.


Диссертациянинг **«Суғориладиган ерлардан йил давомида фойдаланишнинг тупроқ агрохимёвий, агрофизик хусусиятларига таъсири ва ер ости сувлари сатҳи, минерализацияси ҳамда тупроқ шўрланишининг ўзгариши динамикаси»** деб номланган учинчи бобида ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқларда ҳайдов (0-30 см) ва ҳайдов ости (30-50 см) қатламларида гумус миқдори 0,830 ва 0,770 %, ялпи азот 0,080 ва 0,072 %, ялпи фосфор 0,125 ва 0,111 %, калий 1,42 ва 1,42 % га тенг бўлиб,

дала тупроғи нитратли азот билан кам, харакатчан фосфор ва алмашинувчи калий билан ўртача таъминланган. Бу кўрсаткичлар типик бўз тупроқларда даланинг эрозияга учраган қисмида гумус миқдори 0,620, 0,520 %, ялпи азот 0,054, 0,045 %, ялпи фосфор 0,088, 0,070%, калий 1,95, 1,90% га тенг бўлиб, даланинг аккумуляцияланган қисмида гумус 0,665, 0,560 %, ялпи азот 0,061, 0,050 %, ялпи фосфор 0,094, 0,070 %, ялпи калий 2,00, 1,95 % ни ташкил этиб, дала тупроғи нитратли азот ва харакатчан фосфор билан кам, алмашинувчи калий билан етарли даражада таъминлангани билан ажралиб туради.


Тупроқ қатламлари бўйича ҳажм оғирлиги тақирсимон тупроқларда амал даври бошига нисбатан охирида суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда ғўзада 0,07-0,10 г/см<sup>3</sup>, донли экинларда 0,03-0,07 г/см<sup>3</sup>, окбош карам ва пиёзда 0,06-0,09 г/см<sup>3</sup> га ошганлиги, аммо бутун ротация якунида тупроқнинг ушбу хусусияти 0,02 г/см<sup>3</sup> га яхшиланганлиги аниқланган. Суғориладиган типик бўз тупроқларда ҳам тупроқнинг ҳажм оғирлиги ҳар бир экиннинг амал даври боши ва охирида аниқланганда суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда ортиб борсада, ротация якунида 0,03-0,05 г/см<sup>3</sup> га яхшиланиши аниқланган.

Суғориш тартиблари бўйича амал даври бошига нисбатан охирида тақирсимон тупроқларда сув ўтказувчанлиги ғўзада 0,075, кузги буғдой ва арпада 0,016, маккажўхорида 0,024, карам, пиёзда 0,037 мм/мин га камайган бўлсада, бутун ротация якунида 0,010-0,042 мм/мин га яхшиланган (1-расм). Бу кўрсаткичлар суғориладиган типик бўз тупроқларда ғўзада 29-43 м<sup>3</sup>/га, кузги буғдойда 21-28 м<sup>3</sup>/га, анғизда экилган картошка, мош, помидор экинларида тегишлича 98-107 м<sup>3</sup>/га, 27-31 м<sup>3</sup>/га, 64-77 м<sup>3</sup>/га камайган бўлсада, сидерат экинларидан сўнг бутун ротация якунида 69-78 м<sup>3</sup>/га га ортган.

Тақирсимон тупроқларда ЧДНС дастлабки кўрсаткичга нисбатан ротация якунида тупроқ қатламлари бўйича 0,4-0,8 % га, суғориладиган типик бўз тупроқларда 0,6-0,9 % га ошиши кузатилган (2-расм).



1-расм. Ўтлоқлашаётган тақирсимон тупроқлар сув ўтказувчанлиги, мм/мин



2-расм. Суғориладиган типик бўз тупроқларда ЧДНС кўрсаткичлари, %

Яримгидроморф тақирсимон тупроқларда ғўза даласида сизоб сувлари сатҳи экиш олдида заҳира суви берилиши эвазига 63-75 см гача кўтарилиши, суғоришлардан олдин кейин сув сатҳи кўтарилиши 21-52 см гача етганлиги, сизоб сувлари минерализацияси биринчи суғоришда куруқ қолдиқ ва хлор иони бўйича тегишлича 4,032-4,055, 0,267-0,292 г/л, навбатдаги суғоришларда анча камайганлиги ва охириги суғоришда 3,301-3,482, 0,188-0,196 г/л гача камайган. Энг кам мавсумий туз жамланиш коэффициенти (МТЖК) ЧДНСга



нисбатан 70-75-65 % намлик тартибида куруқ қолдиқ бўйича 1,05-1,18, хлор иони бўйича 1,13-1,17 га тенг бўлган (1-жадвал).

Суғориш олди тупроқ намлиги оширилганда сувда эрувчи тузлар ва сизоб сувлари минерализацияси камайиши қонунияти кузатилган.

1-жадвал

**Ғўзанинг «Бухоро-102», «Термиз-49» навларини турли суғориш тартибларида суғорилганда мавсумий туз жамланиш коэффициенти (2007 й)**

Вар. т/р	ЧДНСга нисбатан намлик тартиби, %	Тупроқ қатламлари, см	Куруқ қолдиқ, %			Хлор иони, %		
			Тупроқ намуналари олинган муддат		МТЖК	Тупроқ намуналари олинган муддат		МТЖК
			Баҳор	Куз		Баҳор	Куз	
1	65-65-65 1-2-1	0-40	0,308	0,391	1,27	0,027	0,033	1,22
		40-100	0,448	0,541	1,21	0,023	0,028	1,22
		0-100	0,393	0,461	1,17	0,025	0,03	1,20
2	65-65-65 1-2-1	0-40	0,308	0,395	1,28	0,027	0,033	1,22
		40-100	0,448	0,539	1,20	0,023	0,028	1,22
		0-100	0,393	0,457	1,16	0,025	0,03	1,20
4	70-75-65 1-3-1	0-40	0,308	0,341	1,11	0,027	0,031	1,15
		40-100	0,448	0,489	1,09	0,023	0,026	1,13
		0-100	0,393	0,412	1,05	0,025	0,029	1,16

Изоҳ: МТЖК-мавсумий туз жамланиш коэффициенти

Диссертациянинг «Қишлоқ хўжалигида масофавий зондлаш ва географик ахборот тизимининг назарий асослари ва тупроқ шўрланишини кузги буғдойга таъсири орқали хариталаш» номли тўртинчи бобида қишлоқ хўжалигида масофавий зондлаш ва геоахборот тизимининг назарий асослари, фазовий кема расмларида соғлом ва стрессга учраган ўсимлик ҳамда тупроқ таркибидаги минералларнинг ўзидан электромагнит радиация нуруни таратиш қонунияти баён этилган. Тупроқ шўрланишини ўсимликка таъсирини баҳолашда кўп сонли вариацион статистик таҳлил усуллари ҳисобланган Partial Least Square Regression (PLSR) ва Stepwise Multiple Linear Regression (SMLR) таҳлилларидан фойдаланилган.

Даладан тупроқ ва ўсимлик маълумотларини тўплашда рендомизация усули қўлланилиб, жами 32 та буғдой ўсиб турган далалардан жами 64 та тупроқ намуналари, 130 дан ортиқ ўсимлик спектра намуналари олинган. Даладаги таҳлил жараёнлари расмлари қуйида берилган (3 ва 4-расмлар).



3-расм. Буғдой спектра кўрсаткичларини турли даражада шўрланган ерларда аниқлаш (Ҳиндистон)




4-расм. Ўсимлик юқори қопламидан ер юзасини қоплашини аниқлаш (Ҳиндистон)

Мултиспектрал расмлардан фойдаланишнинг асосий камчиликларидан бири бу тўлқин узунлиги атиги 6-8 та гуруҳлардан (band) иборат бўлиб, чекланганлиги туфайли хариталашда фақат шўрланган ва шўрланмаган тупроқ ҳисобга олинишидир. Гиперспектрал расмларда эса 220 тагача гуруҳлар мавжуд. Тадқиқот ўтказилган ҳудудни Spectral Angle Mapper (SAM) хариталаш усулидан фойдаланиб, Hyperion EO-1 фазовий кема орқали олинган гиперспектрал расмлар ёрдамида хариталаш жараёни қуйидаги босқичларда амалга оширилган:

- тўлқин узунлиги гуруҳини танлаш ва расмдаги нотипик устунларни олиб ташлаш (Band selection and bad column removal);
- фазовий расмдаги атмосферик тузатишлар (Atmospheric Correction)
- шовқун, тўлқин узилишларини камайтириш мақсадида минимал шовқун фракциясини қўллаш (Minimum Noise Fraction Transformation);
- Пиксел софлиги индекси (Pixel Purity Index PPI);

Якунда 4 та, яъни кучли, ўртача ва кучсиз шўрланган ҳамда шўрланмаган гуруҳлардан иборат тупроқ шўрланиши харитаси ҳамда экинлар харитаси яратилган (5 ва 6-расмлар).



Яратилган хариталарнинг аниқлик даражаси (Accuracy assessment) яъни пикселларнинг айнан тупроқ шўрланиши гуруҳларига қанчалик мос равишда классификацияланганлиги аниқланиб, тупроқ шўрланиши харитаси бўйича 74,24 %, экинлар харитаси бўйича эса 82,1 % ни ташкил этган.



5-расм. Тупроқ шўрланиши харитаси

6-расм. Экинлар харитаси

